# ХУШ КЕЛИБСИЗ, МОНГОЛ ДЎСТЛАР!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОКШОМИ

4-йил чиқиши
26 ИЮНЬ, 1969 Й
ПАЙШАНБА
№ 149 (913).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

Бугун Тошкентда—Алишер Навоий номидаги опера ва балет Катта театрида Монголия Халқ Республикаси кунлари бошланади.




# ДЎСТЛИГИМИЗ АБАДИЙ

**Монгол ва совет халқларининг қардошларча дўстлиги йилдан йилга мустаҳкамланмоқда. К. д. в. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежневнинг мамлакатимизга қилган расмий визити ҳамда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақидаги Шартномасининг имзоланиши ана шу дўстлик тарихига ёркин саҳифа бўлиб кирди.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийнинг Монголияга қилган сафари ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги конкрет ҳамкорлик ва қардошларча дўстликнинг мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшди.**

**Бу йил Совет Ўзбекистонида ўтказиладиган МХР кунлари ва Монголия Халқ Республикасида ўтказиладиган Ўзбекистон ССР кунлари республикамиз ҳаётидаги қувончли воқеалардир. Шу муносабат билан мен Тинчлик Федерацияси ҳамда МХР Дўстлик ва монгол-совет дўстлик жамияти номидан бизнинг чин дўстимиз қардош ўзбек халқига, унинг авангарди—Коммунистик партияси ва ҳукуматига, Ўзбекистоннинг барча жамоатчилигига қалб табригини топшираман.**

Д. АДИЛБИШ,
Тинчлик ва дўстлик монгол ташкилотлари федерацияси ижроия комитетининг раиси

Бизнинг дўстлигимиз инсоният ҳаётида янги давр очган буюк Октябрь революциясидан сўнг юзага келди. Монголия меҳнаткашлари ягона тўғри йўл — ленинча социализм қуриш йўлидан борар экан ҳаммавақт Совет Иттифоқининг ёрдамини сезиб турди. Шу сабабдан Монголия Халқ Республикаси қисқа тарихий вақт ичида феодализмдан социализмга ўтди.

Монгол халқи ўзининг содиқ фарзанди Д. Сухэ-Батор ва буюк Ленинининг монгол-совет халқларининг дўстлигига биринчи бўлиб асос солганликларидан чексиз фахрланадилар. Улар биринчи социализм мамлакати—Совет Иттифоқи билан дўстликни кўз қорачиғидек асрайдилар.

Халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларнинг мустаҳкамланиши, янада кенгайишида монгол-совет ва совет-монгол дўстлик жамиятлари актив роль ўйнамоқда.

Улар халқларимизнинг қардошларча дўстлигини тарғиб қилиш, монгол ҳамда совет халқларининг социализм ва коммунизм қурилишида эришаётган муваффақиятлари билан таништириш соҳасида кенг иш олиб бормоқдалар.

1952 йилдан бошлаб монгол-совет дўстлик жамияти ҳар йили дўстлик ойлигини ўтказади.

Совет халқининг барча соҳаларда эришаётган илғор тажрибаларини ўрганиш ва улардан Монголия Халқ Республикасининг конкрет шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш, монгол-совет дўстлик жамияти фаолиятининг муҳим томонларидан биридир. Монгол-совет дўстлик жамияти «Советский Союз» журналини монгол тилида кўпминг нусхада нашр этмоқда. Бу журнал монгол меҳнаткашларини совет халқининг кўп қиррали ҳаёти билан яқиндан таништиради.

Жамиятларимиз ва ташкилотларимиз ўртасидаги ўзаро алоқалар ва қардошларча ҳамкорлик ҳар йили ташкил этиладиган ҳамкорлик плани асосида тараққий этмоқда. Шу план асосида ҳар йили халқларимиз ўртасидаги қардошларча дўстликни кенгайтириш ва янада мустаҳкамлаш мақсадида кенг тадбирлар амалга оширилади. Бу йилга мўлжалланган ана шундай тадбирлардан бири — Монголия ва Совет армиялари томонидан япон милитаристларининг Халхин-гол районида тор-мор этилганлигининг 30 йиллиги тантанали нишонланди.

Ана шу план бўйича 1966 ва 1967 йилларда Монголия Халқ Республикасида Белоруссия ва Озарбайжон маданияти кунлари ҳамда Белоруссия ва Озарбайжонда МХР маданияти кунлари ўтказилди. Ўтган йили Монголия Халқ Республикасида Молдавия Совет Социалистик Республикаси кунлари ва Молдавияда Монгол Халқ Республикаси кунлари зўр муваффақият билан ўтди.

Мана энди эса биз зўр қувонч билан сизнинг диёрингизга —серқуёш Ўзбекистонга келдик. Бу ерда бизнинг республикамиз кунлари ўтади. Орадан кўп ўтмай бизнинг ўлкамизда ҳам, яъни Монголия Халқ Республикасида Ўзбекистон ССР кунлари ўтади. Биз ишонамизки, республикалар кунлари монгол ва совет халқлари қардошларча дўстлигининг кенгайиши ва мустаҳкамланишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Биз сўнгги йилларда дўстлик алоқаларининг монгол ва совет жамоатчилигининг чегара учрашувлари, ёшлар фестивали ва бошқа янги формалари юзага келганидан хурсандмиз. 1967 йили Монголия территориясида ва 1968 йили Совет Иттифоқи территориясида ўтказилган чегара яқинидаги учрашувлар халқларимиз ўртасидаги тобора мустаҳкамланиб бораётган анъанавий қардошларча дўстликнинг ёркин ифодаси бўлди.

Учрашув кунларида бир томондан тинчликни ҳимоя қилиш Монгол Комитети ва монгол-совет дўстлик жамияти, иккинчи томондан тинчликни ҳимоя қилиш Совет Комитети ва совет-монгол дўстлик жамияти делегациялари ўртасида анъанавий монгол совет дўстлигини кенгайтириш ва янада мустаҳкамлаш масалалари бўйича, тинчликни ҳимоя қилиш Комитетлари ва мамлакатларимиз дўстлик жамиятлари алоқаларини кенгайтириш бўйича кенг фикр алмашилди. Ўтказилган ана шу учрашувларда қабул қилинган ҳужжатлар тинчликни ҳимоя қилиш монгол ва совет комитетларининг фикри ва мақсади бир эканлигини кўрсатди.

Октябрь ойининг бошларида мамлакатимизда Совет Иттифоқи билан анъанавий 17-дўстлик ойлиги бошланади. Улуғ Октябрь революциясининг 52 йиллиги арафасида Монголияда Ўзбекистон ССР кунлари ўтади. Бу кунлар социализм мамлакатларининг бирдамлиги ва жипслиги учун, тинчлик халқлар ўртасидаги дўстлик, марксизм-ленинизм ғояларининг тантанаси учун курашаётган икки қардош халқ ҳамкорлиги ва чинакам дўстлигининг ёркин намойишига айланади.




СУРАТЛАРДА: Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси Кунларининг қатнашчиларини Тошкент аэропортида кутиб олиш пайти.
М. Нуриддинов фотолари.

## ТОШКЕНТДА САМИМИЙ УЧРАШУВ

Тошкент монголиялик азиз меҳмонларни кутиб олмоқда—Совет Иттифоқи, Монголия Халқ Республикаси ва Ўзбекистон ССР байроқлари яна қилпираб турибди. Қардош мамлакат вакиллари тинчлик ва дўстлик шаҳрига ҳар янги мамлакат халқларининг янги байрамини ўтказгани — Ўзбекистонда Монголия Халқ Республикаси кунларини ўтказгани келмоқдалар. Бу байрам Монголияда Халқ революцияси ғалаба қозонганлигининг 48 йиллигига тўғри келмоқда.

Тошкент аэропорти биноларида азиз меҳмонларга қарата, бутун монгол халқига қарата монгол, ўзбек ва рус тилларида изҳор этилган табрик сўзлари ёзилган қизил алвонлар кўзга яққол ташланиб турибди.

Азиз меҳмонларни кутиб олиш учун Ўзбекистон пойтахти корхоналарининг вакиллари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг масъул ходимлари, республика Маданият министрлигининг раҳбарлари, республика ва пойтахт партия, совет органлари вакиллари, маданият арбоблари келишган.

Кутиб олувчилар орасида Монголия Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Н. Лувсандаш ўтирибди.

Делегация раҳбари, Монголия Халқ Революцион партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Монголия Халқ Республикаси Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Д. Майдар жавоб нутқи сўзлади. У таъкидлаб айтдики, бу галги учрашув совет ва монгол халқлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлайди. Бу дўстлик биргаликда олиб борилган революцион кураш олов оташларида вужудга келган эди.

Меҳмонлар аэропортдан чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Ўзбекистон жамияти томон йўл оладилар. Бу ерда матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияни жамият правлениесининг раиси Х. С. Шукурова очди. У навбатдаги байрам тўғрисида сўзлаб берди.

## Факт ва рақамлар

◆ 1966—68 йиллар мобайнида 270 миллион тугрик миқдорида маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган бир неча ўн саноат объекти фойдаланишга топширилди. Саноатга сарфланган капитал маблағ 786,7 миллион тугрикни ташкил қилди.

◆ Тўртинчи беш йилликнинг дастлабки уч йилида саноат маҳсулотининг ўртача ўсиши 7,9 процентни ташкил қилди. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 25,7, товар маҳсулот ишлаб чиқариш эса 25 процент ўсди. Кўмир қазиб чиқариш 44,9 процент, электр энергияси ишлаб чиқариш 57,9, ғишт ишлаб чиқариш эса 10 процентга ўсди.

◆ 1966—68 йилларда қишлоқ хўжалигига сарфланган капитал маблағ 607,1 миллион тугрикни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий фонди 22 процентга ошди. Қишлоқ хўжалигига сарфланган капитал маблағнинг 60 процентга яқини унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, озуқа базасини кенгайтириш, яйловларни мелиорациялаш, оғир қўл меҳнатни талаб қиладиган иш жараёнларини механизациялаш учун сарфланди.

◆ Агар дастлабки уч йилда халқ хўжалигига сарфланган капитал маблағнинг умумий капитал маблағдаги ҳиссаси 20,4 процентни ташкил қилса, 1969 йилда 36,8 процентни ташкил қилди, 1970 йилда 41,8 процентни ташкил қиладди.

◆ 1968 йилда МХР транспортининг юк обороти 1587,2 миллион тонна-километрни ташкил қилди.

## ҒОЛИБЛАРГА МУКОФОТЛАР

Ўзбекистон Граждан авиацияси бошқармасининг бўлинмаларида ҳаракат хизмати диспетчерлик пунктларини энг яхши жиҳозлаш бўйича конкурс бўлиб ўтди. Конкурснинг мақсади диспетчерлик составининг меҳнат шароитини яхшилаш, учишларнинг юқори даражада хавфсизлигини ва рейсларнинг мунтазамлилигини таъминлайдиган ҳаво ҳаракатининг самарадорлигини оширишга қаратилган.

### *Бугун*

конкурс якунлари кўриб чиқилди. Биринчи ўрин, Фахрий ёрлиқ ва 250 сўм ҳажмидаги пул мукофоти Нукус аэропортининг ҳаракат хизматига берилди. Иккинчи ўринни наманганликлар, учинчи ўринни эса фарғоналиклар олишди. Самарқанд ва Қўқон авиаторлари Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланди.








# САРАТОВЛИКЛАР ТУҲФАСИ

Саратов қурилиш-монтаж поезди коллективи олдида ниҳоят улкан вазифа — 23943 квадрат метр уй-жой қуриб, 570 хонадонни уй билан таъминлаш турарди.

1966 йилнинг июль ойидан шу кунга қадар саратовликлар 21409 квадрат метр турар-жой майдонини қуриб фойдаланишга топширди. Июнь ойида 36 квартирали уйни фойдаланишга тайёрлаб, яна 1800 квадрат метр турар-жой майдонини фойдаланишга топширамиз, июль ойида эса яна битта кўп қаватли уй тайёр бўлади.

Яширишнинг ҳожати йўқ, биринчи топширилган биноларнинг сифати янада яхшироқ бўлиши мумкин эди. 1966 — 1967 йилда топширилган уч уй «қониқарли» баҳоланди, битта уйга эса мутлоқ баҳо берилмади. Демак, сифати яхши бўлмаган. Бунинг сабаблари бор. Биз иш суръатига кўпроқ эътибор бериб, сифатни унутганмиз.

Қурилиш материалларининг ўз вақтида келтирилмаслиги ҳам ишга путур етказди. 1968 йили участкаларда иш тубдан ўзгарди, сифат учун кураш бошланди. Марказ-5 кварталидаги бешта уйнинг «яхши» баҳолар билан топширилиши буни исботлайди. Утган йили айниқса Юрий Бецков бошлиқ комплекс бригада ва Клавдия Тусс бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси намунали ишлашди.

Айниқса Калерия Мешчерякова бошлиқ бўёқчилар бригадасининг ишидан миннатдормиз. Улар уйларни яхши пардоздан чиқаришди. Галина Осипова, Галина Нецина каби ишчилар вақт ва шароит билан ҳисоблашмай ишлашди. Умар Малошарипов бошлиқ бўёқчилар бригадасининг меҳнати ҳам таҳсинга лойиқ. Улар уйларни сувоқдан сифатли чиқаришяпти.

... Биз иш сифатини қандай яхшиладик? Илгари бизда қурилиш ва пардоз ишлари битта участка бошлиғига қарарди. Бу ишни мураккаблаштирар, сифатга салбий таъсир қиларди. Кенгашлардан бирида биз қурилиш ва пардозлаш участкасини алоҳида қилдик. Александр Иванович Мешеряков, прораб Сергей Анисов ва Александр Назаров бошлиқ қурилиш участкасини Юрий Михайлович Тарабанов билан Иван Григорьевич Стец пардозлаш участкасини бошқаришди. Участкалар ўртасида мустаҳкам алоқа боғлаш иш унумдорлигини оширди ва сифатини яхшилаш имкониятини берди. Участкаларнинг алоҳида бўлиши прорабларнинг ва бригада бошлиқларининг масъулиятини оширди. Бригадалар бригадирларидан иш қабул қилишда талабчан бўлиб қолишди. Масалан, У. Малошарипов бошлиқ сувоқчилар бригадаси иш қабул қилишда монтажчининг бир қисмини яроқсизга чиқарди. Монтажчилар ўз хатоларини текшига тузатишга мажбур бўлишди. Кейин монтажчилар ўзларига талабчанликни орттиришди.

Бизда сифат бўйича доимий комиссия тузилган. Унга ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Петр Петрович Сумец раҳбарлик қилади. Комиссия иш сифатини текширади, фотоайнномалар стендини ташкил қилади. Объектда кўзга ташланган барча камчиликлар махсус мажлисда муҳокама қилинади. Улар натижаси эса кўргазма тахтага осилади.

Масалан, 26 апрель куни сифатсиз ишлагани учун панелчилар бригада бошлиғи А. Герасимов ўз вазифасидан четлатилди. 23 майда чақарилган буйруқда шундай ёзувлар бор: «Иш сифати паст бўлганлиги учун бригада бошлиқлари Ю. Денилов, В. Третьянов ва Н. Юдикиннинг иш ҳақидан 50 процент ушлаб қолинсин».

Ҳозир коллективимиз олдида катта вазифа турипти: иккита турар-жой ва 12000 аҳолига хизмат қиладиган савдо марказини фойдаланишга топширишимиз зарур. Қурилиш поездида ишчи кучининг камлиги ишимизни оғирлаштиради.

Қурилиш материаллари етишмаслиги ҳам ишни орқага сурмоқда. Ҳозиргача полга ётқизиладиган 70 кубометр тахта, 50 кубометр ёғочни кам олдик.

Қийинчиликларга қарамай, коллектив катта ғайрат билан ишламоқда. Социалистик мусобақада Владимир Культянин бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси олдинда бормоқда. Раиса Морарь, Румия Масеева каби ишчилар фотошахсий намуна кўрсатишмоқда. Кўпгина комсомол аъзолари Тошкентда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси сафига киришди.

Яқинда коллективимизда кенгаш бўлди. Унда пардоз сифати ва иш суръати муҳокама қилинди. Участкаларда ишни намунали ташкил этиш ҳақида сўз юритилди. Ҳар бир бригада ойлик ва кундалик топшириқ олади.

Ҳозир қурилиш поезди коллективи Тошкентни тиклаш юзасидан олган мажбуриятни бажариш учун курашмоқда. Уз мажбуриятларини бажариш учун коллективимиз аъзолари барча имкониятларни ишга солади.

**В. САННИКОВ,**
Саратов қурилиш-монтаж поезди-нинг бошлиғи.

# ЗАБАРДАСТ АДИБ

*(Атоқли ёзувчи Мирзакалон Исмоилий 60 ёшга тўлди)*



Баъзи китоблар бўлади. Ўқийверасиз, ўқийверасиз, асар яримлаб қолганида ҳам юрагингиз жиз этмайди. Яна ўқийсиз, нимандир излайсиз, кимнидир тоймоқчи бўласиз. Аммо тополмайсиз. Охири, уйингизга келиб қолган ноҳуш меҳмондан безор бўлгандек ғижинасиз, боринги, ташлаб юборасиз.

Яна бир хил китоблар бўлади. Қўлга олиб ҳаяжонлангандек бўласиз. Лекин ўқиб бўлгандан кейин орадан уч-тўрт кун ўтмаёқ ҳаммаси хаёлингиздан кўтарилиб кетади.

Тағин бир хил китоблар бор. Дастлабки саҳифалариданоқ одамлар — тирик одамлар кўз ўнгингизда гавдалана бошлайди. Сиз уларнинг ҳар бир ҳаракатига ишонасиз, ташвишини ҳам, қувончини ҳам ҳис қиласиз. Барчасига шерик бўласиз. Китобни ўқиб битирганингиздан кейин, узоқ вақтгача ўша одамлар ҳаёли билан яшайсиз. Ўйлайсиз. Бора-бора уларни соғинасиз. Яна қайтадан кўришиш, биргалашиб ҳаяжонланиш истаги туғилади-ю, бенхтиёр китобни тағин қўлингизга оласиз.

Чинакам истеъдод билан яратилган бадиий асар шундай бўлади. Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» трилогияси ҳам шундай китоб. Бу асар деярли ҳар бир ўзбек хонадонида севиб ўқилди, ўқиляпти, дейиш муболаға эмас. Сабаби оддий: ўқувчи ўзуломжонининг қувончи-ю, аламига шерик бўлганлиги учун, Ҳаётхоннинг ачиқ қисматидан чуқур изтироб чеккани учун, золимларнинг разиллигидан ғазабга келгани учун асарни қўлдан қўйгиси келмайди. Ўқувчи трилогия қаҳрамонларини рўй-рост кўриб тургани учун, улар китобхон дилида тирик одамлар бўлиб жонлангани учун асар қўлма-қўл бўлиб кетди.

Ўлкамизнинг инқилоб арафасидаги ҳаёти ҳақида ёзилган, ҳамон кишиларни ҳаяжонга солиб келаётган асарлар оз эмас. «Қутлуғ қон» билан «Бой ила хизматчи» ҳамон севиб ўқилади, ҳаяжон ила томоша қилинади. «Фарғона тонг отгунча»нинг материали ҳам ўша даврдан олинган. Лекин ган фақат материалда эмас. Ҳар бир ёзувчи унга ўзича ёндошади, ўзича анализ қилади. Мирзакалон Исмоилий ҳам давр тасвирига ўзича ёндошган. Одамлар тақдиридаги муштарак, айни пайтда индивидуал қирраларини топган. Ўзига хос услубда, чуқур психологик кечинмалар, кескин драматик портлашлар билан тасвир этган. Ёзувчининг катта ютуғи ҳам шунда. Бунга эришиш эса осон эмас.

Бунинг учун Мирзакалон Исмоилий катта ижодий йўлни босиб ўтди. Унинг қирқ йиллик ижодий фаолияти бақувват полотно яратишда ўзи учун мактаб бўлди.

Л. Толстойнинг «Анна Каренина», «Тирилиш», М. Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони», турк ёзувчиси Рашод Нури Гунтекининг «Чолиқуши» романларини ким ўқимаган? Бу асарларни ўзбекчалаштирган Мирзакалон Исмоилий муаллифлар руҳини, асар руҳини чуқур ҳис этганлиги учун ҳам мазкур китоблар ўзбек тилида худди оригиналдаги каби тиниқ жаранглаган.

М. Исмоилий таржима соҳасида тажриба орттирибгина қолмай, улкан адиблар ижодини мукаммал ўрганди. Бу эса ёзувчи истеъдодининг қирраларини янада чархлади.

М. Исмоилий кўқиррали ёзувчи. Уни кундалик ҳаётнинг ҳамма томонлари қизиқтиради. Бола тарбиясидан тортиб, ёшлар одобигача, тил маданиятидан тортиб миллий анъаналаргача барчаси баробар ҳаяжонга солади. «Бизнинг роман» повести, «Инсон ҳусни», «Одамийлик қиссаси» деб номланган китоблар ана шу кундалик ҳаяжон, тинимсиз меҳнат самараси.

Мирза ака энди 60 ёшга тўлди. Бу — ижодкор учун энг сермаҳсул ижодий камолот, фикрий тиниқлик, чуқур ҳаяжонлар баҳори. Мирзакалон Исмоилий ҳозир ўқувчиларга «Фарғона тонг отгунча»нинг учинчи китобини тақдим этиш арафасида турибди. Китобхонлар ёзувчидан яна кўпдан-кўп ажойиб полотнолар кутадилар.

# КУТЯПМИЗ

Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» романининг биринчи китоби чиққанида ғалати ҳаяжон билан ўқиган эдим. Асарнинг иккинчи китобини орзиқиб кутдим. Ниҳоят уни ҳам ўқидим.

Романдаги воқеалар ҳам, одамларнинг ўзи ҳам мени тўлқинлантириб юборди. Шунинг учун асарни севиб қолдим. Кўплаб дўстларим китоб ҳақида худди шундай фикрда десам адашмайман. Ҳозир биз «Фарғона тонг отгунча» нинг учинчи китобини орзиқиб кутяпмиз. Севимли ёзувчимизга сиҳат-саломатлик, ижодий ютуқ тилаймиз. Мирза ака яна янги асарлари билан бизни қувонтиради деган умиддамиз.

**Қувондиқ АБДУРАЗЗОҚОВ,**
Сирдарё областидаги Г. Титов номли совхознинг бригада бошлиғи.

СУРАТДА: «ЎЗБЕКСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИНИНГ СЕЯЛКАЛАР ЦЕХИДА ЯНГИ СЕЯЛКАЛАРНИ СОЗЛАШ ВА БЎЯШ ЖАРАЁНИ.

*М. Нуриддинов* фотоси.




# МАЖБУРИЯТ ОШИРИЛДИ

Рўзғор холодильниклари заводида тайёрланаётган такомиллаштирилган «ОАЗИС-2» холодильниклари харидорларга жуда маъқул бўляпти. Бунга жавобан коллектив бу йил 50 минг оилани қувонтириш, планга қўшимча 600 та холодильник ишлаб чиқаришга аҳд қилган эди.

Завод бош инженери Д. З. Солтановнинг хабар қилишича, шу кунгача плондан ташқари 575 та «ОАЗИС-2» тайёрланди.

Июнь ойига планлаштирилган 4700 рақамини 5 минга етказиш учун коллектив ленинча вахтада туриб меҳнат қиляпти.

— Йил бошида қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан қабул қилган планимиз ўзгарди, — дейди Давид Зиновьевич— Ички имкониятларини қайта кўриб чиққан коллективимиз доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига муносиб туҳфа тайёрлашга аҳд қилиб, плондан ташқари 600 ўринга 900 та холодильник тайёрлаш мажбуриятини олди.




САМАРҚАНД. Шаҳардаги Октябрь 50 йиллиги номидаги 1-мактабда Ленин бурчаги ташкил этилган. Бу ердаги ҳар бир экспонат, ҳар бир сурат доҳийнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилади.

СУРАТДА: мактаб ўқувчилари Д. Ханров ва Л. Сиркина яна бир стенд кўргазмаларини тайёрламоқдалар.

А. Кузьменко фотоси.
(ЎзТАГ).

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

# «ИЧКИЛИКБОЗЛИК — ЖИНОЯТ МАНБАИ»

Шу сарлавҳа остида газетамизнинг шу йил 21 февраль сонида босилган материалда спиртлик ичимликлар билан савдо қилиш қоидалари айрим магазинларда қўпол равишда бузилаётгани, милиция органлари бу иш билан жиддий шуғулланмаётгани кўрсатилган эди.

Октябрь район озиқ-овқат савдоси бўлимидан олинган жавобда кўрсатилишича, газета материали кенг муҳокама қилинган. 12, 65, 76-магазинларнинг мудирлари қаттиқ огоҳлантирилган. 76-магазиннинг сотувчиси М. Мирзаевга қаттиқ ҳайфсон эълон қилинди.

Шу материал юзасидан шаҳар савдо бошқармасидан олинган жавобда қуйидагилар ёзилган:

Спиртли ичимликлар билан савдо қилишда қўпол хатога йўл қўйганлиги учун Фрунзе районидаги 16 ва 43-магазинларнинг сотувчилари Юсуфхўжаев ва Абдуллаевлар ишдан четлатирилдилар. 5-магазин сотувчиси Низомов иши ўртоқлик судига берилди.

Савдо бошқармаси район ижроия комитетлари билан биргаликда бу ишда тартиб ўрнатиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиладилар.



# ВАҚТ КУТИБ ТУРМАЙДИ

Яккабоғ район меҳнаткашлари мактабларни янги ўқув йилига барвақт тайёрлаш ҳақида мурожаат қабул қилганликлари республика жамоатчилиги томонидан қизғин кутиб олинди. Пойтахтимизда ҳам бу ташаббусга қўшилган мактаб ва жамоат ташкилотлари янги ўқув йилига тайёргарликни қизитиб юбордилар. Мактабларни оталиққа олган ташкилотлар, педагогик коллективлар ва бутун жамоатчилик бу ишни амалга ошириш учун барча имкониятларни сафарбар этмоқдалар.

Аммо, шаҳримизда янги мактаб бинолари қурилиши кўнгилдагидек боряпти деб бўлмайди. Биз қуйида шаҳримизда мактаб қурилиши қандай бораётганлиги ҳақида сўз юритамиз.

* * *

## Дўстлар ҳиммати билан

Дўстлик қўёш тафтидек иссиқ деб бежиз айтмайдилар. Тошкентимиз зилзилалардан қаттиқ зарар кўрганда қардошларимиз дўстлик қўлларини чўзишди. Улар қисқа вақт ичида минг-минглаб квадрат метр майдонларда муҳташам бинолар қуришди. Жумладан, 1967 йилнинг ўзида қардошларимиз 5520 ўринлик 5 та замонавий мактаб биносини қуришди. Утган йили эса 4960 ўринлик 5 та янги мактаб биноси битказилди.

Айниқса Марказ-7 кварталида қурилаётган 2600 ўринлик эксперимент мактаб Тошкент ўқувчилари учун жуда катта совға бўлади. Уқувчилар бинокорлари қураётган бу мактаб биноси фақат республикамиздагина эмас, балки бепоён мамлакатимиздаги энг яхши таълим-тарбия ўчоқларидан бирига айланади.

Қардошларимиз қураётган барча мактабларда ўқувчиларнинг кенг кўламда билим олишлари учун қулай шароитлар яратилган. Ўқувчилар ва ота-оналар қардошлар ишидан ҳар қанча мамнун бўлишса арзийди.

Қардош бинокорлар билан бир қаторда «Главташкентстрой» га қарашли ташкилотлар ҳам шаҳримизнинг турли районларида энг сўнгги лойиҳалар асосида мактаблар барпо этишмоқда. Аммо, мактаб қурилишида иш кўнгилдагидек эмас. Бунинг учун баъзи районларда қурилаётган мактабларга назар ташлаш кифоя. Мана, ҳозир районда 52 та кундузги, 11 та кечки ва сменали ишчи-ёшлар мактаблари бор. 76 та болалар боғча ва яслилари ишлаб турибди. Деярли барча мактаб бинолари замонавий типда қурилган. Бу йил 70 минг ўқувчи таълим олди. Лекин шуни айтиш керакки, районимизда ўқувчилар контингенти ортиб бормоқда. Буни ҳисобга олган партия ва ҳукуматимиз районда янги мактаблар қуришга йил сайин кўп маблағ ажратмоқда.



«Бешқайрағоч» массивида қурилаётган бу мактаб биноси янги ўқув йили бошланишигача тайёр бўлиши керак. Бу ердаги ишларнинг бориши, тартибсизликлар ҳали мактаб битмаслигидан далолат бериб турибди. Агар иш шу аҳволда кетадиган бўлса, келгуси йили ҳам мактаб битиши гумон.

* * *

Бу суратда қурилиш объектида олиб борилаётган ишлар қай ҳолда эканлиги ифодаланган. Қурилиш ниҳоятда сусайиб кетганлигини ҳеч қандай иловасиз ҳам тушуниш мумкин.

Т. Тўрақулов фотолари.

## Ваъдалар бисёр

Октябрь район халқ маорифи бўлимининг мудири Сандақбар Саидаҳмедов бизни илиқ кутиб олди. У билан мактаб-маориф ва янги ўқув йили ҳақида суҳбатлашдик.

— Районимизда маориф-маданият ишлари тобора яхшиланиб бормоқда, — деди у. — Мактаблар қурилиши умуман қандай боряпти? — деб сўрадик.

— Утган йили анча тузук бўлган эди, — дедим ўртоқ С. Саидаҳмедов. — Бир йўла 7 та мактаб ва 5 та боғча-ясли комбинати фойдаланишга топширилди. Бунда қардошларимизнинг ҳиссаси катта бўлган эди. Лекин «Главташкентстройга қарашли пудратчи ташкилотлар айби билан бир неча мактаб қурилиши ниҳоясига етказилмади.

— Районимизда маориф-маданият ишлари тобора яхшиланиб бормоқда, — деди у. — Мана, ҳозир районда 159-ўрта мактаб биносини 159-трестнинг 8-қурилиш бошқармаси ўтган йили фойдаланишга топширган. Лекин бу мактабда электр тармоғи йўқ, ошхона биноси битказилмаган ва жиҳозланмаган. 8-қурилиш бошқармасининг бошлиғи ўрток Акромовга бу ҳақда бир неча бор мурожаат қилинишига қарамай, у ваъдадан амалий ишга ўтмаяпти. Мана, мактабда бир ўқув йили тамомланиб, бино ремонт талаб бўлсада, унинг чаласи ҳамон тугамаяпти.

Бу ҳақда 159-трестнинг бошқарувчиси ўртоқ Набиев, қолаверса бош бошқарма раҳбарлари ҳам етарли ўйламаяптилар.

1969—1970 ўқув йили бошлангунча районда 4 та мактаб янгидан қурилиб фойдаланишга топширилиши керак. Лекин қурилиш объектларидаги иш суръати ҳозиргидек бўлса ўқув йилигача мактабларнинг битиши гумон.

«Бешқайрағоч» массивидаги 5 ва 7-мактабларнинг қурилиш графиги мутлақо бажарилмаяпти. Утган йили бу ерда истиқомат қилган ўқувчилар қаҳратон қишда узоқ йўл босиб, бошқа мактабларга бориб ўқишга мажбур бўлган эдилар.

Бу массивдаги 5-мактаб қурилишида «Главташкентстройга қарашли 6-трест 1968 йилнинг март ойида иш бошлаган эди. Қурилиш майдонига механизмлар келтирилди, ер текисланди, пойдеворлар учун зовур қазилди, шу билан иш тўхтади-қолди. Пойдевори ҳам тикланмаган объектни «Главташкентстрой» раҳбарлари шу йил март ойида, яъни орадан бир йил ўтгач, 159-трестнинг 13-қурилиш бошқармасига ўтказиш ҳақида буйруқ чиқардилар. Мана тўрт ойдирки, қурилишда янги пудратчи ташкилотнинг 20—30 ишчиси «қимирлаб» турибди. Ҳолбуки, бу ерда графикни бажариш учун ниқи сменада 200 қурувчи ишлаши керак. Иш шу аҳволда борадиган бўлса мактаб янги ўқув йилида эмас, келгуси ўқув йилида ҳам битиши гумон.

Мазкур массивдаги 7-мактаб қурилишида ҳам аҳвол жуда ачинарли. Бу мактаб қурилишини ўз зиммасига олган пудратчи — 22-қурилиш бошқармаси (бошлиғи В. Г. Бобелев) ишни мутлақо пайсалга ташлаб қўйган.

Яқинда Октябрь район партия комитетининг бюроси ҳар икки мактаб қурилиши масаласини муҳокама қилиб, қурилиш бошқармасининг бошлиқлари Б. Ваентруб ва Бобелев ўртоқларни огоҳлантирди. Улар ишда даркор ўзгариш ясаш тўғрисида ваъда бердилар-у, амалда ўз билганларича иш тутишди. Шунинг учун ҳам қурилишда ҳамон жиддий ўзгариш йўқ.

Худди шунингдек, «Қорақамиш» массивидаги 54-мактаб ва Собир Раҳимов кўчасидаги ишчи-ёшлар мактаби учун қурилаётган бино объектларида ҳам аҳвол ачинарли.

Юқорида санаб ўтилган мактаб қурилишлари «Главташкентстрой»нинг 159-трестига қарайди. Трест бошқарувчиси ўртоқ Набиев фақат қурилиш-монтаж ишларининг ялпи планини бажариш билан овора бўлиб, мактабларни эътибордан четда қолдирмоқда. Мактаб қурилиши ҳеч кечиктириб бўлмайдиган умумхалқ иши эканини ҳис этиш керак.

Пойтахтимизнинг энг йирик Чилонзор районида бу йил 9 та мактабгача болалар муассасалари ва битта ўрта мактаб фойдаланишга топширилиши керак. Бироқ бу қурилишларда ҳам аҳволни кўнгилдагидек деб бўлмайди. Айниқса, 8—21 секторида қурилаётган мактаб биносида иш тобора судралмоқда. Объектга қурилиш материаллари, керакли панель ва мосламалар, дераза ва эшик рамалари, темир-бетон буюмлари вақтида етказиб берилмаётир. Транспорт бошқармасининг автомобилчилари ҳам бир меъёрда ишлашяпти деб бўлмайди. Транспортнинг вақтида келмаслиги ёки бир объектдан иккинчи бир объектга олиниб кетилиши натижасида ишчилар қимматли вақтларини бекор ўтказишяпти.

Мактаблар қурилишидаги бундай ачинарли ҳолни шаҳримизнинг Куйбишев, Киров, Ҳамза, Фрунзе ва бошқа районларидаги мактабгача болалар муассасалари ҳамда мактаб қурилиш объектларида ҳам кўриш мумкин.

## Сентябрь яқин, аммо...

Вақт кутиб турмайди. Сентябрь кунгироқлари чалинишига ҳам яқин кунлар қоляпти. Бизда янги ўқув йили катта шодиёналиклар билан бошланади.

Лекин шаҳримиздаги мактабларда имтиҳонлар тугаганига қарамай, ҳанузгача капитал ва жорий ремонтга киришилгани йўқ. Жумладан, Октябрь районидаги 29 ва 111, Чилонзор районидаги 13, 84 ва 85-мактабларда, Киров, Ҳамза, Сергели, Ленин ва Фрунзе районларидаги кўпгина мактабларда оталиқ ташкилотларига ишониб, ҳанузгача ремонт ишлари бошланганича йўқ.

Бундай ачинарли ҳолга барҳам бериб, амалий ишга киришиш пайти келди. Район халқ маориф бўлимлари, партия ва совет ташкилотларининг кечиктирилмас вазифалари мана шу!

**Х. ҲАКИМОВ,**
**Т. РАСУЛЕВ,**
«Тошкент оқшоми» газетасининг махсус мухбирлари.

## *Республика хабарлари*

### МАМЛАКАТ МОВУТ ФАБРИКАЛАРИ УЧУН

ЗОМИН. (Сирдарё области). Мирзачўлдаги 76-йилги заводининг қўйбоқарлари Моршанск мовут фабрикасига дастлабки ўттиз уч тонна майин жунли меринос қўйлар жунини — «олтин жун»ни жўнатдилар. Мирзачўлдаги бу заводда республикада энг йирик қўйлар подаси боқилади. Бу қўйларнинг ҳар биттасидан йилига тўрт килограмм дан беш ярим килограммгача жун қирқиб олинади. Меринос қўйларнинг жуни оддий қўй жунига нисбатан уч баравар қиммат туради ва ундан нафис мовут тайёрланади.

Мирзачўлнинг «олтин жуни» Тамбов мовут фабрикасига ҳам юборилади.

### ЯНГИ ҒАЛЛАОРОЛ

САМАРҚАНД. Ғаллаорол районининг янги маркази эски посёлканинг ёнгинасида қад кўтаради. Чўлдаги икки юз гектар массивда ер текислаш ишлари бошланди. Бўлажак шаҳарнинг биринчи навбати ўн минг аҳоли яшашига мўлжалланган дир.

Бу йил уй-жой, Советлар уйи, 250 қойкалик насалхона, йирик савдо бинолари, маҳаллий саноат комбинатини қуришга киришилади. Дастлабки кўп қаватли уйлар учун участка ажратилди.

(ЎзТАГ).



ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ. Калинин районидаги Куйбишев номли колхознинг тоир Ҳайдаров бошлиқ звено даладарида механизатор ўсмоқда.

СУРАТДА: механизатор қатор ораларига ишлов бериш.

Қ. Розиқов фотоси.
(ТАСС).

# ДЎСТЛИК ҚЎШИҒИ ЯНГРАЙВЕРСИН

## Ташаккур сўзлари

**Р. БУЯНБАДРАХ,**
**Монголия Халқ Республикаси рассомлар союзининг кадрлар бўлими бошлиғи.**

Ўзбекистонда республикамиз кунлари бўлиши ҳақида ва унга таклифнома олишим билан қалбимни аллақандай қувонч ҳислари чулғаб олди. Чунки мен улуғ Советлар Иттифоқининг муқаддас тупроғига эзгу ният билан қадам қўйдим.

Совет Иттифоқида Улуғ Ватан уруши бошланган йили мен Воронеждаги ҳарбий авиация мактабида совет биродарларим билан учувчилик маҳоратини ўрганардим. Ташвишли кунларда монгол халқи ҳам ўз биродарларига, оға-иниларига маънавий мадад бериб турди.

Мен учувчилик касбини пухта эгаллаганимдан кейин Узоқ Шарқда Япония империализмининг босқинчи армиясини суриб ташлашда қатнашдим. Баҳодир совет учувчилари билан ёнма-ён туриб душманга қақшатқич зарба бердим.

Шундан кейин СССР ва Монголия Халқ Республикаси ҳукуматининг ғалаба медаллари билан мукофотландим. Бу икки мукофотни кўксимга ёнма-ён тақиб, фахрланиб юраман!

Серқуёш республикангизда биз монгол халқининг кунларимиз муваффақиятли ўтади. Тошкентга келганимданоқ буни яққол тасаввур этяпман.

Биз Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида Монголия Халқ Республикаси тасвирий ва амалий санъат асарлари кўргазмасини тайёрладик. Унда бир қатор атоқли монгол санъаткорларининг, энг яхши асарлари ўрин олган.

Монгол халқига қардошлик илтифоти ва улкан марҳамат кўрсатаётганл и к л а рингиз учун чин қалбдан ташаккур сўзларини билдираман.

*Бизнинг интервью*



Инсон билан яшайдн қўшиқ.

**Р. НАЦАГДОРЖ,**
**монгол шоири.**

## ЮЛДУЗЛАР

Теппамда саноқсиз юлдуз чамани,
Олис-олислардан нурли порлайди.
Теппамда зулматга ошно осмонни
Еритган лахча чўғ ўзга чорлайди.
Борлиқни қучмоқлик истар тунда Марс.
Аммо ўлкам тун деб асло ўртанмас.
Ҳеч ким билмас унинг жами сирини
Забт этмоқ истайман қиламан ҳавас.
Ҳар бир дарахтини, ҳар бир қирини
Юлдузлар қўйнига яшира олмас.
Унда ҳам яшармн биздай одамлар,
Улар ҳам биз каби ёзармн мактуб?
Бахтиёр бўлурму висолли дамлар.
Қувончдан оламни тамом унутиб?
Улар ҳам биларми ҳудди бизлардай.
Қандай бўлишини бахт учун нураш?
Тингларми улар ҳам бизнинг қўшиқни,
Англармн ҳар сўзда борлиғни оташ?
Келинг, эй дўстларим! Қўлга-қўл бериб
Бир замон қурайлик, яйрасин диллар.
Осмон ҳам бизларга боқсин термулиб
Ва нурли порласин кўкда юлдузлар!!!

**Рустам Солижонов таржимаси.**

**Д. СЭНГЭЭ.**
**монгол шоири.**

## КАБУТАРЛАР

Кабутарда йўқ бургут чангали,
На лочин мардлиги, кучи-қудрати,
Ҳеч қачон сайролмас булбул сингари
Таралмаган ҳатто донғи, шуҳрати.
Лекин у бир қушки, эркин беозор
Вайронлик ва ўлим, уруш душмани.
Тинчликни олқишлаб учар бевубор
Шунинг-чун кишилар севишган уни
Ҳавф туғилиб, бўлса ҳамки зўр бўрон,
Кабутарлар тўзғишиб, учиб ҳеч қачон—
Узининг уясин кетмайди ташлаб!
(Унга қойил,унга бўлсин шон-шараф!)
Шунинг-чун самога термулиб боқиб,
Кишилар нигорон уни излашди,
Кўкда ғойиб бўлди у қанот қоқиб,
Қайтар деб кишилар доим адашди.
Оддий қуш экан-ку кабутар холос,
Кабутар керакдир кишиликка хос,
Инсонларга бўлсин холис хизмати!?
Дейишди одамлар.
Шунда янгради.
Бутун ер куррасида зўр жаранглади
Барчанинг овозида—шундай чақириқ:
Ленинча тинчликка ҳамиша содиқ
Бу кабутар—Советлар мамлакати!
Унга бахш этдилар бургут қанотин,
Қалбига жо этиб лочин қудратин
Ўргатдилар ҳатто булбул сайрашин
Юрагида ёқиб ҳаёт оташин.
Қудратли, жасур қуш, қўрқувни билмас,
Инсонлар кабутари асло енгилмас!
Кабутар ва тинчлик—яқин, эгизак,
Бу сўзларни ҳар одам айтади такрор.
Кабутар — шодлигу, севинчлар демак —
Ер юзида яшаркан нимвики бор.
...У биз билан биргадир, кучи, қудрати—
Орта берсин обрўси, шони, шуҳрати!

**М. РАҲМОНОВ таржимаси.**

**Ш. ДУЛМАА.**
**монгол шоири.**

## Олдингизда ўйнар БОЛАЛАР

Қора, сариқ ва
оқ танли болалар...
Уйинлари ҳам шунга ўхшаш —
Турлича!
Барча қитъаларда ўйнарлар улар
Бутун ер шарининг ҳар бурчагида.
Ҳаёт шуларнинг завқ-шавқи билан бахтли,
Шу болалар билан қувноқдир ҳаёт.
Шулар эмасми, ҳей
келажак тахтин
Эгаллагувчилар—бахтиёр авлод!
Болалар ўйнашар...
тупроқ, кумлардан,
Ёғоч ғиштчалардан шаҳарлар қурар.
Бу — бино,
у ерда тўғон қурилган,
Мана бу ерда эса темир йўл ўтар,
Бу ерда кўл, анов ерда бўлса боғ.
Ёш қурувчиларнинг кўнгиллари чоғ...
Қаранг-а, шунчалар илҳомбахш меҳнат:
Ой, йиллар ўтадир,
улғаяр улар.
Ўшанда қудратли, бақувват қўллар,
Ҳақиқий шаҳарлар этадир бунёд!
Ҳалақит бермангиз уларга асло,
Келажакда улар ўйини асос.
Болалар ўйнашар...
Шаҳар, қишлоқда.
Тундра, жанубда, тоғлиқ ерда ҳам.
Уларнинг шовқини улуғвор жуда,
Ўғлим ўйинғоҳи—шу ерларда ҳам.
То тонгдан шомгача бутун оламда,
Болалар ўйини этади давом.
Уларнинг ўйинин асранг ҳар онда
Ва унитмангки сиз, биздан йирокда,
Вьетнамда бомбалар деҳшати босиб,
Титраган болалар қисматини ҳам.
Уларга ўйнамоқ эмасдир насиб,
Улар ўз шодлигин кўролмас баҳам...
Болалар кулгуси жаранглаб турсин,
Айтинг «Қонли уруш бўлмагай!» деб.
Майлига, болалар ўйнасин, кулсин,
Москва, Варшава, Лондон, Ҳанойда.
Ва Берлинда, Улан-Батор, Дехлида,
Ер шарин эрксевар барча элида.
Истайман, болалар бутун дунёда,
Урушнинг нелигин асло билмасин.
Билмасин титрашин ернинг бомбадан,
Майлига, келажак уларга бўлсин!

**ОТАЁР таржимаси.**



Қай ҳолда туширсам бўларкин...

**ЧОЙИЖИЛИН ЧИМИТ,**
**монгол шоири.**

## МИНИАТЮРЛИК

Улан-Батор узра кўтарилди ой.
Осмонда юлдузлар гўё бир чаман.
Улар ичра бири кўрсатди чирой
Кремлда ёнган юлдузлар монанд.
Ярқираб, товланиб кеча-кундузи,
Шуълалар балқиди живирлашида.
Яқинда кўргандим шундай юлдузни
Ботир рус солдатин дубулғасида.
Рус солдатн билан чанг-тўзон ичра
Боролмадим Ургa сари ёмаён.
Енгилмас қўшинин олиб борганда
Штепкин ва Сухэ-Батор қаҳрамон.
Мен, комсомол, солдат отрядида
Курашиб зафарга бўлмадим шерик.
Улар душманларни битта қўймасдан
Тор-мор этганида аямай қирнб,
Ленининг Ватани юборган солдат
Кўп оғир йўлларни қурашиб ўтди.
Бир оғадай жангда қўллади ҳар вақт,
Истиқболимизни чароғон этди.
Менинг ҳаққимда ҳам ўйлаганди у,
Шунинг-чун меҳримиз тугамас мангу.
Гарчи келмагандим ёруғ жаҳонга.
У туғилиб ўсган азиз Ватанга.
Халкин-Голда сира бўлган эмасман,
Бола эдим у чоғ. Совет аскари

Пойтахт кўчасидан жанг майдон сари
Ўтганди томоша қилдим ҳавасманд.
Мўғул қўшинида бир сафда турнб
Мўғул пойтахтидан ўтишди қатор,
Узининг муқаддас еридай кўриб
Мўғул чегарасин сақлашга тайёр.
Кўплари оловли, қонли жангларда
Самурай ўқидан бўлдилар қурбон.
Мен учун,
Мен каби миллион ва миллион
Мўғулни деб улар фидо этди жон.
Совет солдатлари шарафига биз
Монумент тикладик — асрий обида.
Унда порлаб турган беш қирра юлдуз
Ёниб турар ҳар бир мўғул қалбида.

## ИШҚ ЙЎЛИДА

**БИР ҚИЗ, УЧ ИИГИТ**

Отлар кўкка этгудай парвоз.
Елдай учар учта чавандоз.
Кўринди бир қиз соҳиб жамол,
Уччовига боқар у хушҳол.
Кетди улар — учди арғимоқ,
Изларидан боқар қиз узоқ.
Қарару қиз шод силкар қўлин,
Сўнг сут тўкиб оқартар йўлин.
Эй, қишлоқи соҳибжамол қиз,
Айт, қайбири қалбга солди из?
Айт, қайбири сен қилсан ёр,
Азоблама, уларни бекор.
Отлар кўкка этгудай парвоз,
Елдай учар учта чавандоз.
Қўшиқларн саҳрони тутар.
Чавандозлар шундай баҳс этар:
—У қиз кимга ёр бўлар, қизиқ,
Ва ким унга бўладур лойиқ?
Кимга жавоб — ёнган қора кўз,
Кимнинг йўлин оқлади у қиз?
Эй, қишлоқи соҳибжамол қиз,
Айт, қайбири қалбга солди из,
Айт, қайбирни сен этурсан ёр,
Азоблама уларни бекор.
Отлар кўкка этгудай парвоз,
Елдай учар учта чавандоз.
Севиб қолиб у қизни жуда
Чавандозлар ўйлар ичида:
«У юзини менга силкди қўл,
Илтифотин қиламан қабул.
Дўстларимнинг ёнишн бекор,
Фақат мени севар у дилдор».
Эй, қишлоқи соҳибжамол қиз.
Айт, қайбири қалбга солди из.

**Ю. Шомансур таржималари.**

**Ц. ДОЛГОРСУРЭН,**
**монгол ёзувчиси.**

## БУРНИ ЯЛТИРОҚ ҚИЗ ҳикоя

Дулмани қадди-қомати келишган йигирма ёшлардаги дилбар қиз. Бу яқин ўртада бунақа гўзали топилмаса к е р а к. Қўзлари хиёл кулиб, жвозҳирдай порлаб туради, камон мисоли қошлари нафис, қопқора.

Дулманинг бурни учида қандайдир доғ, тўғриси, ялтироқ бор. Бу ялтироқ худди ой юзидаги гардларни эслатади. Шу сабабли баъзи бировлар уни «ҳой бурни ялтироқ қиз» деб чақиришади. Ундан бунинг сабабини тез-тез сўраб, суриштириб туришарди. Дулма бўлса индамай қўяверарди. Кўп қистовлардан кейин гапиришга мажбур бўлди.

Яқин кунларгача ўзим ҳам билмас эдим. Бизнинг жуда яқин, туғишгандай бўлиб қолган бир қадрдон кишимиз бор. Шоферлик қилади. У киши шуларни ҳикоя қилиб бердилар.

«Қариб йигирма йил бўлди. У вақтларда ҳали чегарамиз нотинч эди. Япон қароқчилари тез-тез таҳовуз қилиб туришарди. Мен у вақтларда шоферлик мактабини энди битказган ёшгина йигитча эдим. Менга эски машина беришди. Икки марта олис сафарга чиқиб келиб, учинчисига тайёргарлик кўраётган эдим. Чегарадаги ҳарбий қисмлардан бирига озиқ-овқат элтиб беришим керак эди. Сафар олдидан иссиқ киймлар олдим.

Жўнашга охирги дақиқалар қолганда болалик бир ёлғон—командирлардан бирининг хотинини олакетишимни айтишди. Ёлғон кабинага ўтқазиб олдим. Машина текис йўлдан ғизиллаб боради. Севинчимнинг чеки йўқ. Йўл яхши, мотор ишлаб турибди. Бунақа пайтда ҳар қандай шофернинг ҳам димоғи чоғ бўлади. Яна олти соат йўл юрсак манзилимизга етиб оламиз. Бироқ кутилмаганда мотор патиллаб қолди ва бироздан сўнг тамом ўчди. Тушиб моторни қарадим ва карбюраторни кўздан кечирдим. Ҳаммаси жойида. Ручкани айлантирдим. Қани энди ўт олса! Ишкал нимада бўлиши мумкин. Ҳеч тушуниб етолмайман. Ҳар эҳтимолга қарши деб свечаларни артиб жойига қўйиб кўрдим. Йўқ, ручкани айлантиришим билан гуруллаб кетди. Ўн метрча юрар-юрмай яна ўчиб қолди. Бу гал ҳарчанд уриниб кўрсам ҳам иложини қилолмадим.

Тонг отиши билан қолган ўтинни ўчаёзган чўққа қалаб олов кўринган томонга чопдим. Тепаликка чиқиб қараган эдим, қани энди бирорта уй кўринса, ҳаммаёқ яланг, теп-текис. Оппоқ ерда қандайдир қора чизиқлар кўзга ташланарди.

—Карвон тунабди,—ўйладим мен.— Ҳалиги қора чизиқлар бўлса карвон ёққан оловнинг излари экан. Афтидан, тонг отмасданоқ, жўнаб қолишибди.

Шу пайт қандайдир товуш эшитилди. Бутун вужудим қулоққа айланди. Товуш тобора аниқроқ эшитиларди. Бу машинанинг говуши эди. Дарҳол йўлга отилдим. Нима бўлса ҳам етиб олиш ва уни тўхтатиш зарур. Қалин қорда чопиш мушкил бўлишига қарамай оёғим-оёғимга гегмасди. Тепаликка энди чиққанимда юк машиналарининг охирги колоннаси ўтиб бораради. Кетидаги машинанинг бортида СССРга тааллуқли белги бор эди. Нима қилишимни билмай қаранг бўлиб қолдим. Нега мотор товушини эшитишим биланоқ чопа қолмадим дея ўзимни койидим. Энди нима қиламан? Бирор машина ўтгунча шу ерда кутиб турaверсаммикан? Ёки орқага қайта қолайми? Қайтганим билан наф чиқармиди? Лекин болалик аёлни битта ўзини қолдириб келганим эсимга тушиб қайтишга мажбур бўлдим.

Бирор дақиқа ўтар-ўтмай яна мотор товуши эшитилди. Бу гал мен ҳеч нарсага қарамай йўлга қараб чопавердим. Юк машинаси кўринди. Машина шиддат билан келарди. Дарров, шарфимни силкитиб, чақира бошладим. Машина йўлида давом этарди. Бундай жойда якка ёлғиз кишининг бўлиши шофернинг хаёлига ҳам келмаса керак. Буни қарангки, шофёр рулни мен турган томонга бурса бўладими.

Машина рўпарамга келиб тақка тўхтади. Кабинадан рус солдати сакраб тушди. Саломлашдик. Мен сўз ва имо ишора билан машинам бузилиб ва бир болалик аёлнинг совқотиб қолганини айтдим. У ўз тилида нимадир деди-да, елкасини қисиб қўйди. Наҳотки, тушунтиролмаган бўлсам? Тағин алланималар деди-да, машинани мен кўрсатган томонга бурди. Котлованни кўрсатиб, шу томонгами деб сўради. Ҳа-ҳа, дедим мен ҳаяжон билан. Машинанинг олдига етиб келганимизда аёл қилт этмасди. Олов аллақачоноқ ўчиб қолган. Рус касбдошимга аёлни кўрсатдим. Йигит аёлнинг устидан пўстинини олди. Аёл гўдагини бағрига қаттиқ босиб ётарди. Гўдакнинг юзлари, лаблари кўкариб кетган эди. Рус йигити ҳеч нарса демасдан чопиб бориб кабинасидан арқон олиб ўради ва устидаги пўстинини ечиб арқоннинг устига қўйди. Сўнг бензин сепиб, гугурт чақди. Ловуллаб олов ёнди. Рус йигити аёлни боласи билан секин кўтариб, оловга яқин жойга ўтказди ва ёнидан жилмай турди. Аёл бироздан кейин ўзига келди. Сўнг йигит менинг шалоқ машинамни тузата бошлади. Машинанинг иллати дарров топилди. Аккумулятор ўтириб қолган экан.

Аёлни кабинага чиқазиб, жўнаш учун тайёргарлик кўре бошладим. Йигит менга сен олдида юргин — деб ишора қилди. Шу пайт миннатдорлик изҳор қилмаганим ва исмини сўраб олмаганим эсимга тушди.

— Исминг нима,— деб сўрадим ундан. Ажабланиб қараганидан мени тушунмаганини пайқадим.

—Менинг исмим Лувсан,— дедим унга ўзимни кўрсатиб,— Сенники-чи?

У гап нима ҳақда бораётганини энди билди. «Павел, Павел», деди у. Ҳа, халоскоримиз Павел бўлмаганда бизнинг омон қолишимиз гумон эди.

Биз энди йўлга тушиб олганимизда чакалоқ, шундай додлаб юбордики, беҳосдан машинани тақка тўхтатдим. Юзини очиб қарасам, бурнининг учи оқариб кетган экан. Мен дарҳол қор олиб чакалокнинг бурнига сурдим ва секин ишқалай бошладим».

—Мана, бурним учидаги ялтироқ қаёқдан пайдо бўлган,— дея Дулма ҳикоясини тамомлади.

Русчадан
**Озод ИСКАНДАРОВ**
таржимаси.



«Ишдан» сўнг». Рассом Одан ишлаган сурат.

## ДЕЛГЕРХУНД ВОДИЙСИДА

Май — Монголияда иниқ ой. Бугун ҳаво бир хил бўлса эртага бошқачага айланиб қ о л а д и, Кўпинча шундай бўлади. Ҳаво тиниқ, қуёш ёркин нур сочиб туради. Ҳатто кун қизиб ҳам кетади. Баҳор айни кучга тўлгандек кўринади-ю, лекин бирданига осмонни булут қоплайди. Ўрама шамоллар айланиб чанг-тўзон кўтарилади. Тўсатдан қор ёғиб қолиши ҳам ҳеч гапмас. Қор худди тоғдан тушгандек бирданига ёпирилади-ю, еру-кўкни қоплайди қолади.

Делгерхунд водийсида бўлганимда эски таниш, Осор деган чўпон шундай воқеани ҳикоя қилиб берди.

— Кунлардан бирида бу ерда жуда қийналдим. Делгерхунд дегани инжиқ водий дегани рост экан. Мен моллар-ни жанубга кўкариб келган ўтлоқларга ҳайдаб кетаётган эдим. Ҳудди шу ерда қор бўронига дуч келиб қолдим.

...Қор тўхтовсиз кўпайиб борар эди. Сигирлар от ва қўйлар ердан бирон қас-чўп тошиш ниятида туёғи билан ҳадеб қорни титқилар эди. Мана, кундан толган бир қанча моллар йиқилиб қолди. Уларнинг устини ҳам қор босди. Осор моллари ўтов панасига судраб келтиришга ҳаракат қилар, аммо кучи етмас эди. Бўрон тўхтаб, осмонда қуёш пайдо бўлгандан кейин, у атрофга назар ташлади. Ҳаммаёқни оппоқ қор босган. Яшил ҳазина қор тагида қолиб кетган.

Аратлар якка хўжалик бўлиб яшаган пайтида Монголияда бундай воқеалар тез-тез бўлиб турар эди. Ўша воқеадан кейин икки йил ўтгач, мамлакатда коллектив хўжаликлар пайдо бўлдию, республиканинг чорвадор ва деҳқонлари бундай офатлардан қутилишди.

— Ҳозир табиат инжиқлиги туфайли зарар кўришдан сақланиш учун коллектив хўжаликларда барча ишлар қилинмоқда, — деди қарорғоҳ қилиб олишган. Уларнинг 48 мингбош моли бор.

— Қарорғоҳимиз яқинида,— дейди Найдом сўзида давом этиб, — яйлов станцияси бор. Унинг қандай ишлаётганини кўргингиз келса, ўз кўзингиз билан томоша қилинг.

Чўл ўртасида қад кўтарган кичик шаҳарча — станциянинг номи Карленбаинулан деб аталади. Станцияда 120 киши яшайди ва ишлайди. Улар орасида врачлар, ветврачлар, зоотехниклар, агрономлар бор. Атрофдаги бирлашмалар аратларининг болалари ўқийдиган мактаб-интернат ҳам шу ерда. Станциянинг юк автомашиналари, тракторлари, турли қишлоқ-хўжалик механизмлари бор. Ёзда Карленбаинулан хизматчилари молга ем-хашак тайёрлайдилар. 1 Май номидаги бирлашма аратлари позим бўлиб колса бошқа коллектив хўжаликлар қатори станциядан ёрдам олишлари мумкин.

Энди монгол аратлари учун табиат инжиқлиги ҳеч гап бўлмай қолди.

**В. КОРОЛЕВ.**
**АПН-Радио мухбири.**

# Азиз Несин




ТУНОВ куни бир қўшни амакимиз бизникига чиқувди. Узи жуда қизиқчи одам. Шунақаям гапни боплайдики, эшитсанг, қотиб-қотиб куласан. Фатўшни айтмайсанми, нуқул қиқир-қиқир кулади. Аслида бўлаётган гап-сўз билан иши йўқ-у, ким кулса ўшанга қўшилишиб қиқирлайди. Энди кулгининг боисини айтиб берай.

Қўшни амаки ишлайдиган идорага аллақайси мамлакатдан бир мутахассис келган экан. Узи немисмиш. Ўша немис бир куни қўшнимизни тўхтатиб:

— Сизнинг юртингизда «Хўв» деган сўз кўп ишлатиларкан. Одамлар бир-бирини шу сўз билан чақиришаркан. Бу нима дегани ўзи, жуда қизиқиб қолдим. Кимдан сўрамай, қониқарли жавоб ололмадим, — дебди.

Қўзойнакли қўшнимиз бу гапни эшитиб, нима қилишини билмай қолибди. Агар ростини айтадиган бўлса, ажнабий одам устимиздан кулиб кетиши мумкин. Ўйлаб-ўйлаб охири бир йўл топибди.

— Жуда тўғри фаҳмлабсиз, жаноб,— дебди унга қараб қўшнимиз,— Ҳақиқатан ҳам «хўв»ни кўп ишлатамиз. Бизда таомил шундай. Деҳқонлар ҳам, ишчи ва хизматчилар ҳам шунга одатланган. Унинг асл маъноси «муҳтарам» демакдир. Бизлар бир-биримизга мурожаат қилганимизда исмнинг олдига шу сўзни қўшиб айтамиз.

Орадан беш-олти кун ўтган экан, ўша идора раҳбарларининг катта мажлиси чақирилибди. Канон деган одам бош директор экан, мажлисни ўша олиб борибди. Немис мутахассиси шу йиғинда катта нутқ сўзлабди. Мажлис аҳлининг руҳини кўтариш мақсадида гап орасида шу ерда ўрганган бир-иккита туркча сўзларни ҳам тиқистириб ўтибди. Меҳмон нутқининг энг нозик жойига келган экан, бош директорга қараб қўққисдан: «хўв Канонбей!» деб юборибди. Ҳамма ҳижолатдан ерга қарабди. Немис нутқининг охиригача жуда кўп марта Канонбейни тилга олибди. Ҳар гал ўзи билган ўша «муҳтарам» сўзини қўшиб айтармиш. Канонбейнинг бўладигани бўлибди-ю, аммо тишини тишига қўйиб ўтиравериб. Одамлар пиқир-пиқир кулишармиш. Шу-шу Канонбей «хўв» деган лақабни орттирган экан.

Қўзойнакли қўшнимиз буни шунақаям ўхшатиб гапириб берди, кулавериб ичагимиз узилди. Айниқса Фатўш бир қоп семириб кетди.

Дадам бошқа бир қизиқ воқеани гапириб берди.

Уларнинг фабрикасига янги асбоб-ускуналар келибди. Буларни ўрнатиш учун Америкадан мутахассис чақиришибди. Америкалик бундоқ разм солиб қараса, фабрикадаги одамлар бир сўзни жуда кўп ишлатишармиш. У қайрон бўлиб бунинг маъносини дадамдан сўрабди. Дадам у нимани сўраганини бизга гапириб берди. Анча ярамас сўз. Мактаб болалари ҳам кўп ишлатади уни. Энди тушунгандирсан?

Дадам фабрикада бош уста бўлиб ишлайди, шунинг учун очиғини айтишни ўзига эп кўрмабди. Қолаверса, инглиз тилида бунга нима дейилишини ҳам билмас экан. Шунинг учун дадам унга:

— Бунинг маъноси раҳмат, яъни тенкью дегани, — деб тушунтирибди.

Буни эшитиб, америкалик инженер ҳайратдан ёқасини ушлабди.

— Ана холос, — дебди у қойил қолиб, сизлар ғоят сертакаллуф халқ экансиз. Биз бу борада хитойликлар билан инглизларнинг олдига тушадиган халқ йўқ, деб ўйлаб юрардик. Чунки улар арзимаган нарсага ҳам миннатдорчилик билдиришади. Аммо сизлар улардан ўтиб кетибсиз. Мен жуда кўп мамлакатларда бўлганман, лекин сизчалик сертакаллуф, хушмуомала одамларни ҳеч қаерда кўрмаганман. Бундан буён мен қайси юртга бормайин, ҳамма жойда сизларни ўрнак қилиб кўрсатаман, ноширлар халқ экканингизни оламга ёяман.

«Ҳайрият, ёлғон гапим яхшиликка яраркан», деб дадам ич-ичидан суюнибди.

Шу гап-сўзнинг эртаси куни инженер ишга чиқмабди. Тўрт кунгача ундан дарак бўлмабди. Фабрикада иш тиғиз, янги ускуналарни тезроқ ўрнатиш керак. Инженерни қидирмаган жойлари қолмабди. Ҳеч қаердан дараги чиқмабди. Тўртинчи куни фабрикага ўзи кириб келибди. Соғ жойи қолмаганмиш, аъзойи бадани дока билан чирмаб ташланганмиш. Машинада авариядан учраган бўлса керак, деб ўйлашибди. Кейин маълум бўлишича гап бошқа ёқда экан.

Америкалик инженер фабрикадан чиқиб, меҳмонхонага кетаётган экан. Йўлда машинага ўтиришибди. Одамларда қизиқ бир одат бор: эшитган гапини ҳеч ким юрагида сақлаб юролмайди, дарров бировга айтгиси келади. Инженер ҳам шоферга миннатдорчилик билдирмоқчи бўлибдида, пулни узатаётиб боя маъносини чақиб олган сўзини айтибди. Шофёрнинг кўзи олайиб кетибди. Америкалик буни бошқача тушуниб, яна ўша сўзни қайтарган экан, шофёр бурнига қараб бир мушт туширибди. Иккови ёқа бўғишиб кетишибди. Охири уларни зўрға ажратиб қўйишибди. Инженер буларга ҳам миннатдорчилик билдирибди. Яна бошн балога қолибди. Ҳалойиқ уни оломон қилиб кетибди. Ниҳоят, полициячи етиб келиб, уни бир амаллаб ажратиб олибди. Шўринг қурғур америкалик туркча қилиб полициячига ҳам қуллуқ қилибди.

Жамоат ўртасида полициячига тил теккизиш жиноят-ку! Оёғини ерга тегизмай дарҳол полиция бўлимига олиб боришибди. Комиссар кўрадики, бу одам ажнабий. Қўйиб юборилсин, деб буюради. Инженер бу саховати учун комиссарга турк тилида миннатдорчилик билдиради. Хуллас, у полициянинг қўлидан зўрға қутилиб, тўғри касалхонага бориб тушади. Касалхонада тўрт кунгача ўзига келмай ётади.

Жуда аломат иш бўлган экан, тоза кулдик.

Яқинда дадам уйга меҳмон келади, деб қолди. Нозикроқ меҳмонлар экан. ойим катта ҳозирлик кўрди. Эр-хотин бўлиб олти киши келишди. Фатўш меҳмонларга ёқиб қолди. Жуда одобли, ширинсўз қиз экан, дейишди. Бола тарбиясидан гап очилиб, кўп мақташди. Дадам ҳам уларга қўшилди.

— Бизнинг хоним болаларни кўчага ёлғиз чиқармайди, эфандилар. Шунинг учун ҳам тарбиялари жойида.

— Ҳа, кўча болани бузади. Болалар кўчада ҳар хил ёмон гапларни эшитишади. Шунинг учун Фатўшни ҳеч қачон кўчага чиқармайман, — деб қўйди ойим.

—Жуда тўғри иш қиласиз, хоним афандим, — деди меҳмон аёллардан бири оймга қараб,— Кўча у ёқда турсин, ҳозир мактаб ҳам болаларни бузяпти. Кўз тегмасин, қизчангиз одобли экан, яхши тарбия берибсиз.

Бу мақтовларни эшитиб, Фатўш шишиб кетди. Бутун билган нарсаларини ишга солиб, яна нималарга қодир эканини меҳмонларга кўрсатиб қўймоқчи бўлди.

— Ҳув дада!

(Давоми бор)

---

Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида.

# чет элларда

## ҲАЛҚ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИ

**ҲАНОЙ. (ТАСС). Кейинги вақтларда жанубий Вьетнамнинг кўпгина вилоят ва районларида Халқ вакиллари конгрессларининг конгрессларини бўлиб ўтди. Бу конгрессларда вилоят ва район халқ революцион комитетлари ҳамда халқ советлари сайланди.**

**Вьетнам информацня агентлигининг озодлик матбуот агентлиги маълумотларига асосланиб хабар бермишча, бундай конгресслар Кханьхоа, Дарлак ва Теорео вилоятларида бўлиб ўтган.**

**Конгрессларда вилоятларнинг қўғирчоқ маъмурияти тамомила тугатилганлиги эълон қилинди. Халқ вакиллари конгрессларн қуролли кучларга ва шу вилоятларнинг халқига мурожаат қилиб, уларни революцион ҳокимият теварагида янада маҳкам жипслашишга, Америка-Сайгон қўшинларига қарши курашга ёрдам беришга ва миллатни қутқазиш учун тўла ғалаба қозонгунча кураш олиб боришга чақирди.**

*Кичик фельетон*

# Бу кулгули бўлди...

ИЮНЬ ойининг ўрталарида одатда Ғарбий Берлинда ҳаво яхши бўлади. Ўша куни эрталаб ҳам ҳаво жуда яхши бўлиши кутилганди. Маторлашган патруль «фронт шаҳри» атрофини айланиб чиқди. Осойишталик жонкуярларининг кайфиятлари яхши эди —улар тезда тор формани ечиб, нашаҳўрлик қилишларини ҳис қилиб туришганди.

Полициячилар дарҳол бирор рация орқали марказий станция билан боғланиб, ҳамма нарса кўнгилдагидай эканлигини айтмоқчи эди. Марказдаги навбатчи бунинг ўрнига ўқ товуши тормозларининг ғийқиллаши ва қуйидаги қичқириқни эшитди: «Бизга... вьетконгликлар ҳужум қилишди».

Шундай. АҚШ армияси Берлин бригадасининг уч кунлик маневрлари бироз тасодифийроқ бошланди. Бу маневр давомида янкилар шаҳар шароитида партизанлар билан жанг олиб бориш техникасини ишлаб чиқишлари керак эди. Бригаданинг уч минг ҳарбий хизматчиси тун оғушида бутун Ғарбий Берлинда илгари белгиланган территорияни — шаҳарнинг шимолидаги француз секторидан, инглизлар жойлашган марказ орқали, жанубдаги америка секторигача бўлган жойни эгалладилар. «Маневрларда қатнашган офицерлардан бирининг айтишича, «вазият Вьетнамдагига жуда яқинлаштирилган эди».

Ҳақиқатда ҳам вазият «жуда яқинлаштирилган эди». Ҳужум қилган «партизанлар» кўп эмасдилар, лекин улар билан курашга танк-пиёда «алоҳида бўлинмалари» мадад бериб турган махсус ўқитилган батальонлар киришдилар. Олдиндан тузилган режа бўйича «партизанлар» партизанлар қилгани-дек ҳеч огоҳлантирмасдан ҳужум қилишлари керак эди.

«Ҳимоядаги» батальонлар бирнечта «партизанни» тутгунча уч кун ўтди, кейин улар ҳам, бошқалар ҳам бирга пиво ичгани кетишди.

Бу ҳақда кулиб шундай дейиш мумкин: ушбу масхарабозлик, уни ким ўйлаб чиқарган бўлса ўшанга муносибдир.


Лекин бу воқеанинг ўз ахлоқи ҳам бор. Америка агрессорлари Европа марказида туриб вьетнам партизанларини унутишмаётган экан, демак, уларга Вьетнамда унчалик осон бўлмаяпти.

Яна бир нарса киши диққатини тортади. Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришича, бу операция бригаданинг Вьетнамга жўнатилиши мумкин бўлган(!) ҳарбий хизматчиларини у ерда уруш олиб бориш тактикаси билан таништириш учун амалга оширилди».

«Партизанлар» ҳужумига учраган осойишталик жонкуярида Вьетнам урушн ҳақида қандай таассурот қолганлигини биз билмаймиз. Бу унинг иши. Лекин шу нарса яна маълум бўлдики, Қўшма Штатлар Вьетнам масаласини мунозара олиб бориб ҳал қилишга интилиш ҳақидаги гаплар ниқоби остида жанжални ҳарбий йўл билан ҳал қилишдан воз кечмаяпти ва бунга қўшимча, янги бўлинмаларни урушга тайёрлаяпти.

Д. БИРЮКОВ.

(АПН).



Болгариядаги кўпгина қишлоқлар 10—15 йил ичида янги қурилган кичик шаҳарчалар қиёфасига кирди.
Шулардан бири Лозница Разградс кий вилоятидир.
СУРАТДА: қишлоқнинг маркази. Янгда маданият уйи.
БТА-ТАСС фотоси.

## ФАҚАТ 20 ПРОЦЕНТ

ВАШИНГТОН, (ТАСС). Қўшма Штатлардаги кам бағаллар орасида ҳар беш кишидан фақат биттаси ҳукуматнинг очлик-ка қарши кураш программаси ажратган маблағдан ёрдам олиб турибди, холос. Бу рақамлар АҚШ деҳқончилик министрлигининг конгрессга тақдим этган докладида кўрсатиб ўтилди. Шу рақамларнинг ўзи Америкадаги йўқсинларнинг турмуш шароитини яхшиламоқ учун ҳукумат нақадар кам маблағ бераётганлигини кўрсатувчи яна бир далил бўла олади.

Мамлакатнинг 2600 округидаги аҳволни текшириш асосида министрлик тузиб чиққан бу доклад ҳукумат бераётган бу ёрдам шундай ёрдамга муҳтож бўлганларнинг фақат йигирма процентигагина бориб етаётганлигини кўрсатади.

## ВДР ЭЛЧИСИ СТОКГОЛЬМДА

СТОКГОЛЬМ, (ТАСС). Швеция ҳукумати Вьетнам Демократик Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Егуен Тхо Тяк келди.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.



# Реклама ва эълонлар

## РАДИО

### 26 ИЮНЬ
### ПАЙШАНБА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

**18.00** «Чоркесар мармари» деган эшиттириш (ўзбекча). **18.10** Монгол куйларидан концерт. **18.55** ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ. Алишер Навоий номидаги Давлат опера ва балет Катта театридан опера ва балет Катта театридан олиб эшиттирилади. **20.30** Ешлик ҳақида куйлаймиз (ўзбекча). **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** Дала меҳнатчиларининг талабларига мувофиқ концерт. **22.20** Рубоб тароналари. **22.40** В. И. Ленин ҳақида ҳикоялар (ўзбекча). **23.15** Маком кечаси.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**

**19.00** Ешлар ижоди. **19.30** Рус куйлари. **20.00** «Бузрук» маком.идан парчалар. **20.30** Д. Зокировнинг симфоник асарлари. **21.00** Рўзи Қодирий. «Бахтимни куйлайман» туркумидаги шеърлар. **21.40** Москва.

### 27 ИЮНЬ
### ЖУМА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

**6.15** Тонгги концерт. **7.40** Ўзбек киножилмларидан қўшиқлар. **8.25** Олтин водий қўшиқлари. **9.30** Куйлардан-куйларга. **9.50** Халқаро мавзуларда суҳбат (тожикча) **11.15** «Халқ контроли — амалда» (русча). **11.30** А. Ленский. «Дилбар» балетидан сюита. **13.30** Совет композиторларининг эстрада куйлари. **15.15** «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (ўзбекча). **15.30** ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ. Бохайн Баяст. «Қоровул» номли ҳикоя (ўзбекча). **16.10** Ешлар учун мусиқали соат. **16.50** «Правда» газетасининг обзори. **17.00** М. Бурҳонов, Ҳ. Раҳимов асарларидан концерт.

**18.00** Илмий атеистик темалар.да. «Шоҳимардон мўъжизаси» деган радиоочерк (ўзбекча). **18.10** Фортепьяно пьесалари. **19.20** Татар куйлари. **20.00** «Ўзбекистон қурилишларида» радиожурнали (русча). **20.30** Саноат ходимлари учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат. **21.10** «Фарғона тароналари». Мусиқали-адабий радиокомпозиция (ўзбекча). **22.20** «Монгол куйлари гулдастаси» деган концерт. **22.40** «Янги ҳикоялар», А. Ҳасанов. «Кўнгил» деган ҳикоя (ўзбекча). **23.15** Дам олиш концерти.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**

**8.25** Спорт ва ёшлик қўшиқлари. **9.15** Реклама ва эълонлар.

**19.00** Оркестр куйлари. **19.30** В. Баснер. «Уч мушкетёр» балетидан сюита. **20.00** Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт (тожикча). **20.30** Симфоник рақслар. **20.50** «Чорвачиликни комплекс равишда уюштириш» деган эшиттириш (русча). **21.00** «Ҳақон прогрессив адабиёти». Мартин Андерсен Нексе. Езувчи туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан (ўзбекча). **21.40** Москва. «Фан ва идеология» деган суҳбат.

**УЧИНЧИ ПРОГРАММА**

**13.00** «Ой тутилган тунда» спектаклининг монтажи. **15.30** Ўзбек куйлари. **16.00** Ж. Бизе. «Кармен» операси.

## ТЕЛЕВИЗОР

### 26 ИЮНЬ
### ПАЙШАНБА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

**18.30** Кўрсатувлар программаси. **18.35** Телевизион янгиликлар. **18.55** ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ. Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театридан олиб кўрсатилади. Танаффус вақтларида ўзбек тилида телевизион янгиликлар ва «Шеърият мухлисларига». **23.00** Хотин-қизлар учун. «Ёркин ҳаёт» программаси (ўзбек тилида).

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**
**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**
**ДЎСТЛИК ЭКРАНИ**

Рус тилида: **18.00** «Дўст ва қувноқ онлада». Репортаж. **18.30** Янгиликлар. **18.45** Изотоплар — халқ хўжалиги хизматида. **19.10** Археологик топилмалар. **19.40** Шеърият мухлислари учун. Ойбек. «Навоий».

**МОСКВА КЎРСАТАДИ**

**20.00** Янгиликлар. **20.15** Адабий театр. «Ер юлдузлари». **21.00** Совет Ёшлари куни олдидан. «Сенинг орденларинг, Комсомол!». Телефильм 5-серияснининг премьераси. **21.30** «Фан — ишлаб чиқаришга» Тележурнал. **22.00** Рангли телевидение программаси. **23.00** «Вақт» информацион программаграммаси. **00.15** Бутуниттифоқ телефильмлар 3-фестивали. кинофотига сазовор бўлган фильмлар. «Уй томон йўл» телевизион бадиий фильмнинг 1-сериями. **01.35** Москва кўрсатувларининг охири.

**УЧИНЧИ ПРОГРАММА**
**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

Рус тилида: **20.00** Кинофильм. **20.10** Леонид Коган чалади. **21.10** Ҳужжатли фильм. **21.30** «Дўстлар ва йиллар». Бадиий фильмнинг 1-сериями.

### 27 ИЮНЬ
### ЖУМА

**БИРИНЧИ ПРОГРАММА**

**18.30** Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: **18.35** Болалар учун. «Пионер ёзи». **18.55** Телевизион янгиликлар. **19.05** «Тўрт аёл портрети». Музикали-адабий эшиттириш. **19.45** Ўзбек диёрининг милицияси. **20.05** Кино ҳақида суҳбатлашамиз.

Ўзбек тилида: **21.05** Телевизион янгиликлар. **21.20** «ОЛТИН ВОДИЙ» программаси.

**МОСКВА КЎРСАТАДИ**

**22.30** Футбол бўйича СССР кубоги учун. Танаффус вақтида янгиликлар. **00.15** Янгиликлар эстафетаси. **01.30** Қўшиқ мухлислари клуби. **02.30** Спорт янгиликлари. **03.00** Фақат фаитлар, кўрсатувлар программаси. **03. 15** Москва кўрсатувларининг охири.

**ИККИНЧИ ПРОГРАММА**
**МОСКВА КЎРСАТАДИ**

**13.00** Янгиликлар. **13.15** Болалар учун. «Табиат мўъжизалари» **13.30** Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Қувноқ шаҳарча». **14.00** Болгар фильмлари фестивали. Бадиий фильм. **15.20** Москва кўрсатувларининг охири.

**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**
ЎҚУВ КЎРСАТУВЛАР ПРОГРАММАСИ

Ўзбек тилида: **18.00** Абитуриентлар учун. «Нишони қандай ёзиш керак». **18.40** Абитуриентлар учун. Математика. **19.30** Сиртдан ўқувчи студентлар учун инглиз тилидан 33-машғулот.

**МОСКВА КЎРСАТАДИ**

**19.55** Кўрсатувлар программаси. **20.00** Янгиликлар. **20.15** Украина радиоси ва телевидениеси симфоник оркестрининг концерти. **21.00** Меҳнат қаҳрамонларига шон-шарафлар. **21.55** «Мигель де Сааведра бошидан кечган ғалати саргузашт». Музикали телефильм премьераси.

**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

Ўзбек тилида: **22.30** «Ишчи — фахрли ном». Телепрограмма. **23.00** Бадиий фильм.

**УЧИНЧИ ПРОГРАММА**
**ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ**

Ўзбек тилида: **20.00** ЎЗБЕКИСТОНДА МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ КУНЛАРИ МУНОСАБАТИ БИЛАН. «Совет — монгол ҳамкорлиги». **20.15** «Донлик ёш меҳнатчилар», «Денгиз чегараларини сақлашда». Ҳужжатли фильмлар.

Рус тилида: **20.45** «Кумуш ёз». Телефильм. **21.15** «Канада манзаралари». Ҳужжатли фильм. **22.05** «Дўстлар ва йиллар». Бадиий фильмнинг 2-сериями.

## ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 27/VI да **Сухайл ва Меҳри** 28/VI да **Пиковая дама**, 29/VI да **Травиата**, 30/VI да **Риголетто**.

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/VI да **Мудҳиш айбнома**, 28/VI да **Алишер Навоий**, 29/VI да **Мария Стюарт**.

## Кино

### 26 ИЮНДА
**ҚИШКИ БИНОДА**

«Героин — «ЧАЙКА». НАВОИЙ НОМЛИ, «ВОСТОК» (кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч 9.15 минутда), «МОСКВА» (кеч 7 да).

Тонгдаги учрашувлар — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кеч 9.40 минутда).

Учрашув манзили — Женева — «ДРУЖБА» (кечқурун). «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кеч соат 6 ва 9 да).

Таниш-билишларимиз — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «МОСКВА» (кеч 9 да).

Дўппи кийган фаришта — САНЪАТ САРОЙИ (кеч 7.30 да).

**ЕЗГИ БИНОДА**

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутларда бошланади)

Героин — «ФЕСТИВАЛЬ».

Рошфорлик қизлар — «ХИВА».

### 27 ИЮНДА
**ҚИШКИ БИНОДА**

Тонг — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5, кеч 7 ярим ва 9 яримда).

Героин — «ЧАЙКА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб 10, кундуз соат 2 ярим, 4 ва кеч 6 да). «МОСКВА» (кундуз соат 1.20, 5 ва кеч 7 да). «ДРУЖБА» (кундуз соат 12, 2.30 ва 4 да).

Тўй кунида — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Учрашув манзили — Женева — «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, кеч 8 да).

Таниш-билишларимиз — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Унутилмас қотиллик — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Сангам (1-2-3 сериялар) — НАВОИЙ НОМЛИ (ўзбек тилида, кундуз ва кечқурун).

Рошфорлик қизлар — «МОСКВА» (эрталаб 10, 11.40, кундуз соат 3 ва кеч 9 да).

**ЕЗГИ БИНОДА**

(Кеч соат 9 ва 10.40 минутларда бошланади).

Героин — ТЕЛЬМАН НОМЛИ.

Дзюдо даҳоси — «ХИВА».


ТОШКЕНТ ШАҲАР ТУРАРЖОЙ БОШҚАРМАСИГА

катта ревизор, ревизор, бух. галтер, кассир, инженерлар; техник нормалаш, иссиқлик техникаси бўйича; меҳнат бўйича катта инспекторлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 6 уй, 82 хона.



Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги Куйбишев номли 1-сон ўрта мактаб томонидан Одилов Тоир номига берилган 239033 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ



БУТУНИТТИФОҚ ЎСИМЛИКЛАР ИНСТИТУТИНИНГ ЎРТА ОСИЁ ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИГА

инженер-қурувчи (техника назорати бўйича инженер лаборатория мудири), агроном-энтомолог

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Оржоникидзе район, Ботаника қишлоғи.



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ядро физикаси институти коллективи институтнинг илмий ходими К. Ш. Азимовга отаси

Меҳриниса АЗИМОВАНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Астрономия институти коллективи институтнинг илмий ходими А. Содиқовга отаси

Эргаш СОДИҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 4 БЕТ. 26 ИЮНЬ, 1969 й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар Дзержинский кўчаси, 15-уй, Редакция телефонлари: Коммутатор — 33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар — 33-27-22, партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари 33-29-42, адабиёт, санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари — 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари 33-27-57, саноат, транспорт, қурилиш бўлимлари — 33-27-03, ахборот бўлими — 33-65-57 эълонлар бўлими — 33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

НАШР 2786
Р. 11190
Индекс 64579.